

**МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЎРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ:
ДАҶВО ИНСТИТУТИНИНГ ЗАРУРАТИ ВА ОДИЛ СУДЛОВ
СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Махмуд Уразбоевич ЭШИМБЕТОВ

юридик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори
мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгashi ҳузуридаги
Судъялар олий мактаби
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада илғор хорижий тажрибалар таҳлили асосида маъмурий суд
ишларини юритишида даъво институти жорий этилишининг зарурати, бу
институтнинг маъмурий одил судловни амалга оширишдаги аҳамияти ҳамда
унинг моделлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: оммавий-хуқуқий муносабат, маъмурий-хуқуқий низо,
маъмурий суд, маъмурий юрисдикция, ҳаракат (ҳаракатсизлик), маъмурий
акт.

**КОНЦЕПЦИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ
АДМИНИСТРАТИВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ:
НЕОБХОДИМОСТЬ ИНСТИТУТА ИСКОВОГО ПРОИЗВОДСТВА И
ЕГО ЗНАЧЕНИЕ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ПРАВОСУДИЯ**

Махмуд Уразбоевич ЭШИМБЕТОВ

доктор философии (PhD) по юридическим наукам
независимый исследователь

Высшая школа судей при Высшем судейском совете
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье на основе анализа передового зарубежного опыта
анализируется необходимость введения института судебного разбирательства
в административном судопроизводстве, значение данного института в
осуществлении административного правосудия и его модели.

Ключевые слова: публично-правовые отношения, административно-
правовой спор, административный суд, административная юрисдикция,
действие (бездействие), административный акт.

Маълумки, маъмурий органларнинг ноқонуний актлари, ҳаракатлари
(ҳаракатсизлиги) юзасидан суд ҳимояси – хуқуқий демократик давлатда суд
назорати шаклларидан бири бўлиб, инсон хукуқларини ҳимоя қилишининг
самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, 2017 йилда
мамлакатимиз тарихида илк маротаба маъмурий судлар ташкил

қилинганилиги фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишга оид конституциявий ҳукуқларини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Эндилиқда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади [4; 3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқларини суд орқали ҳимоя қилишининг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2025 йил 30 январь 33-сон қарори мамлакатимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган тизимли ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Президентимизнинг мазкур Қарорлари билан “Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси” тасдиқланиб, унда устувор вазифалардан бири сифатида маъмурий суд ишларини юритишда халқаро стандартларга ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ янги институт ва тартибларни жорий этиш, хусусан маъмурий суд иш юритувига даъво институтини киритиш вазифаси қўйилди.

Дарҳақиқат, маъмурий-хуқуқий низоларда шахснинг бузилган ҳукуқларини тиклаш усуларидан бири бу суд тартиби бўлиб, бунда процессуал қонунчиликка даъво институтини киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Францияда маъмурий даъволарни таснифлашда турлича ёндашувлар мавжуд. Баъзи муаллифлар уни маъмурий актларни бекор қилиш ҳақидаги; субъектив ҳукуқларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган “тўлиқ маъмурий юрисдикцияга мувофиқ” кўриб чиқиладиган; бошқарув акти мазмунини аниклаш тўғрисидаги; маъмурий актнинг қонунийлигини баҳолаш тўғрисидаги ҳамда жазо қўллаш билан боғлиқ бўлган низолар бўйича даъво [6; 100] ларга ажратади.

Япониянинг 1962 йилда қабул қилинган “Маъмурий низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги қонунида оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи даъваларнинг асосий тўрт турини ажратиб кўрсатган:

- 1) “кококу”;
- 2) “тоджиша”;
- 3) “халқ даъвоси” (actions populares);
- 4) “кикан”.

“Кококу” ва “тоджиша” даъвалари шахснинг субъектив хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган даъво турларига кирса, “халқ даъвоси” (actions populares) ва “кикан” объектив даъво бўлиб, биринчи навбатда, объектив хуқуқнинг қонуний талабларини аниқ бажаришга қаратилган.

Германиянинг Маъмурий-процессуал кодексида белгиланган даъвалар тизими ўзига хос бўлиб, маъмурий даъво турларига низолашиш, мажбуриятни бажариш, хуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъвалар киради [5;243-244].

Миллий қонунчилигимизда шахсга нисбатан хуқуқий таъсир чоралари бевосита суд орқали қўлланилади. Мазкур хуқуқий муносабат ҳам маъмурий бўлиб, лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ҳақидаги низо маъмурий-хуқуқий низо ҳисобланади. Шу сабабли, маъмурий-хуқуқий низонинг даъво предметига қараб процессуал-хуқуқий таснифини қўйидаги шаклларда келтириш мумкин.

Низолашиши тўғрисидаги даъво – амалиётда энг кўп учрайдиган маъмурий-хуқуқий низолардан бўлиб, бунда шахс манфаатларига дахл қилувчи маъмурий актнинг қонунийлиги юзасидан низолашилади [7; 28].

Бундай даъвалар амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида маъмурий органнинг хужжатини ҳақиқий эмас ёки маъмурий орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги ариза турига киради.

Низолашиш тўғрисидаги даъвода манфаатдор шахс маъмурий органнинг маъмурий актини ҳақиқий эмас ёки улар мансабдор шахсининг

ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ариза (шикоят) билан, агар бу акт ёки ҳаракат туфайли унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилган, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга тўсиқлар вужудга келтирган, аризачининг зиммасига қонунга хилоф равища бирор-бир мажбурият юкланган, фаолиятни амалга ошириши учун бошқа тўсиқлар вужудга келтирган, деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Демак, низолашиш тўғрисидаги даъво тури бўйича манфаатдор шахс унинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи маъмурий актнинг, шунингдек мансабдор шахснинг ҳаракатлари қонунийлиги юзасидан низолашади. Даъвонинг бу турини ҳам, ўз навбатида бир қанча турларга бўлиб таснифлаш мумкин. Хусусан, ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни қонунга хилоф деб топиш, маъмурий актни бекор қилиш, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган маъмурий актлар ва низоли маъмурий актларни ҳақиқий эмас деб топиш.

Ўзгартириши ёки ҳуқуқий муносабатларни тугатиши ҳақидаги даъволар – бундай даъволар низоли моддий-ҳуқуқий муносабатларни ўзгартириш ёки жавобгарнинг ҳуқуқий ҳолатини чеклаш (тугатиш) тўғрисидаги талабларни ўз ичига олади. Бундай даъволар бўйича қабул қилинган суд қарорлари жавобгарнинг жамоат ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилиб, аризачи бир томонлама бундай фактларни аниқлайди.

Бундай даъволарда биринчи навбатда, шахснинг бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини маъмурий органлар томонидан асоссиз чекланишининг олди олинади. Натижада, маъмурий орган суд қарорисиз шахсга нисбатан бирон-бир чеклов қўллаш, чекловларни узайтириш, ҳуқуқни бекор қилиш ёки тугатиш масаласини ҳал қила олмайди. Шу сабабли ҳам маъмурий-ҳуқуқий низонинг ушбу турини, гарчи мазкур даъволарда аризачи маъмурий орган бўлса ҳам, шахс ҳуқуқларини маъмурий органларнинг қонунга зид ҳаракатлари, хусусан маъмурий органнинг шахснинг фаолиятини чеклаш, тугатиш каби ҳаракатларидан ҳимояловчи даъво турларига киради.

Бундай даъво турларига маъмурий органнинг жавобгар (юридик ёки жисмоний шахслар)га нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги

даъволарни мисол келтириш мумкин. Хусусан, нотариуснинг лицензиясини бекор қилиш, лицензиянинг амал қилишини тугатиш [1; 5], шунингдек, адвокатга берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш [2; 12] кабилар бундай даъволар туркумига киради.

Ўзгартириш ёки хуқуқий муносабатларни тугатиш ҳақидаги даъваларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, суд фақат қонунда белгиланган ва хуқуқий муносабатларни ўзгартириш ёки тугатиш хуқуқининг пайдо бўлишини қонун билан боғлайдиган фактлар мавжуд бўлганда, бундай хуқуқий таъсир чораларини қўллади.

Ушбу даъво тури бўйича суд ҳал қилув қарори билан шахсни бирон-бир ҳаракатларни қилиш ёки ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиш ҳақида қарор чиқармайди, балки баҳсли хуқуқий муносабатларни тўхтатиш ёки тугатиш каби йўллар билан хуқуқлар ҳимоя қилинади.

Мажбурият юклаш тўғрисидаги даъво. Манфаатдор шахслар ўзларининг субъектив хуқуқларини ҳимоя қилишини сўраб, нафақат баҳсли хуқуқни тан олишни, балки маъмурий органнинг ўз фойдасига муайян қарорлар қабул қилишини ёки муайян ҳаракатларни бажаришини ёхуд бажаришдан тийилишини талаб қиласди.

Мажбурият юклаш тўғрисидаги даъвонинг моҳияти маъмурий органни ўзининг моддий мажбуриятини бажаришга мажбурлаш ва бузилган хуқуқларини тиклашга қаратилган бўлади.

Мажбурият юклаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш хуқуқи, қачонки маъмурий орган ўз вазифаларини бажармасдан, манфаатдор шахснинг хуқуқига эътиroz билдириши ёки унинг мурожаатини қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқмаслиги натижасида юзага келади. Чунки, бундай даъваларда маъмурий-хуқуқий низо манфаатдор шахснинг мурожаатига нисбатан маъмурий органнинг акс таъсири натижасида вужудга келади. Ушбу баҳсли вазиятда хуқуқ аниқликдан маҳрум бўлади. Суд унинг ҳақиқатда мавжудлигини, мазмунини аниқлайди ва шундан кейингина у мажбурий ижро этилади.

Амалдаги МСИЮтКда талабнинг бундай тури белгиланмаган. Шунга кўра, суд МСИЮтКнинг 189-моддаси [3; 102]га асосан даъвонинг ушбу турини қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш натижалари бўйича, ҳуқуқни тиклаш усули сифатида қўллайди.

Мажбурият юклаш тўғрисидаги даъволарнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагиларда намоён бўлади:

мажбурият юклаш тўғрисидаги даъволар оммавий-ҳуқуқий муносабатлар жараёнида шахснинг субъектив ҳуқуқлари бузилиши натижасида, ўз ҳуқуқларини тиклаш мақсадида берилади;

бундай даъволар иккита талабнинг комбинациясини ўз ичига олади (тан олиш ва мажбурият юклаш);

ҳуқуқни тиклаш усули маъмурий органни аризачи фойдасига бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш ёки ундан тийилишга қаратилган бўлади;

даъвонинг асоси маъмурий орган томонидан ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини суд орқали тасдиқлаш ва мажбурият юлашга қаратилган бўлади.

Мажбурият юлаш ҳақидаги даъваларда суд мавжуд ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш ёки ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қилмайди. Бу муносабатлар суд жараёнигача қандай бўлса, шундайлигича қолади. Шунга кўра бундай тоифадаги даъволар декларатив деб аталади.

Тан олиш тўғрисидаги даъво – даъвогарнинг суд томонидан маълум бир оммавий-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини ёки йўқлигини тасдиқлаш, мунозарали оммавий ҳуқуқ ёки ваколатларни тан олишга қаратилган. Ушбу даъволар бўйича суднинг асосий вазифаси баҳсли оммавий муносабат мавжудлиги ёки йўқлигини аниqlашдан иборат бўлади. Бундай даъваларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш баҳсли ҳуқуқий муносабатларнинг ҳақиқатда бор ёки йўқлигинини суд томонидан тан олиниши орқали амалга оширилади.

Хуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъвода манфаатдор шахс маъмурий орган билан муайян ҳукуқларни ёки ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиши ёки тасдиқлаши керак бўлган ҳолларда қўлланилади. Аммо, бирон-бир ҳаракатни дарҳол бажаришни талаб қилмайди.

Бундай даъволарга қўйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, *ҳуқуқий мақомини тан олиши*. Фуқаронинг фикрича, у маълум бир мақомга эга. Аммо ваколатли маъмурий орган буни расман тан олмайди. Шунга кўра, у ушбу ҳуқуқни ўрнатиш ва унинг мақомини қонуний равища тан олиш учун судга ҳуқуқни тан олиш тўғрисида даъво беради.

Имтиёзлар ёки тўловлар ҳуқуқини тан олиши. Агар фуқаро ижтимоий ёрдам ёки нафака олиш учун мурожаат қилган бўлса ва ваколатли маъмурий орган ўртасида ушбу ёрдамни олиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисида низо келиб чиқса, у дарҳол тўловни талаб қилмасдан ушбу тўловларни олиш ҳуқуқини белгилаш мақсадида ҳуқуқни тан олиш бўйича даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

Мажбуриятларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини тан олиши. Бундай даъволарда компания экологик стандартларга риоя қилиш бўйича давлат талабларини бажариши шарт ёки йўқлигини аниқлаш ёки бундай мажбуриятлар йўқлигини тасдиқлаш учун судга мурожаат қилиши мумкин.

Ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъво келажакдаги низоларнинг олдини олишга ёрдам беради ва томонлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни аниқлаштиришга хизмат қиласи.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тан олиш тўғрисидаги даъволарнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- мазкур даъвонинг мақсади – низоли оммавий-ҳуқукий муносабатларни ўзгариши ёки жавобгарга бирон-бир мажбурият юклатишига қаратилган бўлмай, балки зиддиятли оммавий-ҳуқукий муносабатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга қаратилган бўлади;

- бундай даъволарда шахс ўзининг субъектив ҳукуқларини маъмурий орган томонидан мажбурий амалга оширишини талаб қилмайди.

Шунга кўра, даъвонинг асосига хуқуқни амалга ошириш имкониятини келтириб чиқарадиган фактлар кирмайди;

– хуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъволар бўйича суд қарорининг хуқуқий таъсири, бундай хуқуқ ёки хуқуқий муносабат мавжудлиги фактини аниқлашга қаратилади. Шунга кўра, уни ихтиёрий ёки мажбурий ижро этишга ҳожат йўқ. Лекин бу суд қарорининг мажбурий қучга эга эмаслигини англатмайди.

Хуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъволар шахснинг субъектив хуқуқларининг ишончлилиги, бажарилиши ва ҳимоя қилинишининг кафолати бўлади ҳамда маъмурий органлар томонидан оммавий-хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг бузилишини бартараф этади.

Шундай қилиб, маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликка даъво институтининг киритилиши маъмурий судларда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг хуқуклари ва қонуний манфаатларининг янада ишончли ҳимоя қилинишида, одил судлов сифати ва самарадорлигининг ошишига муҳим замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Notariat tizimi tubdan isloh qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida: O‘zbekiston Respublikasining 2020-yil 14-yanvar O‘RQ-602-sonli Qonuni // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi. 15.01.2020-y., 03/20/602/0052сон.

2. Advokatlik faoliyatining kafolatlari va advokatlarning ijtimoiy himoyasi to‘g‘risida: O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 25-dekabr 721-I-sonli Qonuni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1999 yil, № 1, 12-modda

3. O‘zbekiston Respublikasi Ma’muriy sud ishlarini yuritish to‘g‘risidagi kodeksi. 2018-yil 25-yanvar. – Toshkent: Yuridik adabiyotlar publish, 2021.

4. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagи ma’ruza. 2016-yil 7-dekbr.– T.: O‘zbekiston, 2017. - 48 b.

5. Административно-процессуальный кодекс Германии.
Административное право Германии. Том 1 Право административных процедур. Общее административное право. –Москва: Инфотропик Медиа. 2021 г. С 243-244.

6. Общие сведения об административном праве Франции. – Москва, 1993.

7. Пуделько, Йорг. Административное право Германии. Том 2. Административно-процессуальное право. – Москва: Инфотропик Медиа, 2023.